

## Шартнома № ОС-

Тошкент ш.

“ \_\_\_\_\_ ”

\_\_\_\_\_ йил.

Устав ва №NSS.UZ.06.NSO.140 ракамли сертификатлаш шаходатномаси асосида иш юритувчи «**Dori vositalarini standartlash Ilmiy Markazi**» МЧЖ (кейинги матнда «Бажарувчи» деб юритилади) директори Э.А.Назаров бир томондан ва Устав асосида иш юритувчи «\_\_\_\_\_» (кейинги матнда «Буюртмачи» деб юритилади) тижорат директори \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидаги мазмунда ва шартларда тузиб, имзоладилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни:

**Буюртмачи** томонидан берилган Буюртма орқали Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган, ишлаб чиқарилаётган (ёки олиб чиқилаётган) тиббий маҳсулотлар: дори воситалари, диагностик воситалар, тиббий буюмлар, парафармация ва даволаш озуқа маҳсулотларига **Бажарувчи** ЎзР сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига кўра мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришни ва шу билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажариш мажбуриятларини олади.

### 2. Шартнома суммаси ва тўлов шартлари:

- 2.1. Тўлов -смет асосида 100% олдиндан тўлаш орқали амалга оширилади.
- 2.2. Бажарилган иш ва хизматлар учун тўловлар «**Dori vositalarini standartlash Ilmiy Markazi**» МЧЖ томонидан тасдиқланган прејскўрант нархлари Буюртма берилган кунига хисобланади. Прејскўрант шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.
- 2.3. Шартномани бажариш жараёнида хисоб-китоб қилинган ишлардан ташқари қўшимча ишлар қилиниш керак булган холат юзага келса, Бажарувчи томонидан қўшимча хисобланган харажатлар маблағини Буюртмачи 5 кун муддат ичида қўшимча тўловни амалга ошириши шарт.
- 2.4 Тўлов -сметда кўрсатилган тўлов 3 кун ичида Буюртмачи томонидан тўланмаган тақдирда, буюртма Бажарувчи томонидан бекор қилинади.
- 2.5. Бажарилган ишлар учун туловлар Буюртмачи томонидан амалга оширилмаган холда, Бажарувчи Буюртмачининг хисоб ракамига тулов талабномаси куйиш ҳукукига эга.
- 2.6. Хар чорак томонлар амалга оширилган тўловлар ва бажарилган ишлар далолатномаси орқали олдиндан тўланган суммани хисобга олган холда яқунланади.
- 2.7. Бажарилаётган ишларининг сифати Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш ва стандартлаштириш ҳақидаги қонунчилиги меъёрларига мувофиқ бўлиши лозим.

### 3. Ишни кабул қилиш - топшириш шартлари

- 3.1. Бажарувчи, Буюртмачи томонидан барча ҳужжатлар тақдим этилиб ва тўлов амалга оширилган холда, сертификатлаш ишларини бажаришга киришади.
- 3.2. Хар бир буюртма юзасидан ишларнинг расмий яқунланиши, сертификатланаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификати ва счет-фактура бериш билан изоҳланади;
- 3.3. Бажарувчи ўз вақтида ишларни бажарилганлиги ҳақида Буюртмачини огоҳлантириши керак.

### 4. Бажарувчининг мажбуриятлари ва ҳукуки:

- 4.1. Зарур холларда шартномадаги ишларни бажариш учун бошқа ташкилот ва корхоналар билан шарномалар тузиш.
- 4.2. Буюртмачи мурожаат қилгандан бошлаб, 3 (уч) иш кунидан кечиктирилмаган муддатда буюртма юзасидан келиб тушган барча ҳужжатларни таҳлил қилиб, тегишли қарор чиқариш;

4.3. Сертификатлаштириш ишларини бажариш муддати Буюртмачи томонидан пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.

4.4. Сертификатлашга тақдим этилган маҳсулотлардан намуна олиш ва лаборатория синовларига топшириш;

4.5. Лаборатория синовлари натижаси ижобий тугагандан сўнг, сертификатлаштирилган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириб бериш.

4.6. Бажарувчи сертификатлаштириш ишлари бўйича маълумотни ошкора қилмасликни кафолатлайди, қонунчиликда кўрсатилганидан истисно.

### **5. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

5.1. ЎзР Сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига риоя қилиш;

5.2. Ушбу шартнома бўйича кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида тўлаш. Лаборатория синовларининг натижаларнинг ижобий (М.Х. мувофик) ёки салбий (М.Х. мувофик эмаслигидан) булишидан катъий назар, шартнома бўйича тўловларни уз вақтида амалга ошириш.

5.3. Сертификация ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ва маҳсулот намуналарини керакли миқдорда бепул тақдим этиш;

5.3. Сертификация ўтказиш учун олинган маҳсулот намуналарини Бажарувчи томонидан тасдиқланган комиссия ҳисобдан чиқариш далолатномаси расмийлаштирган ҳолда тегишли муддат якунланганда ҳисобдан чиқаришига розилик билдиради;

5.4. Намуналарни ва ҳужжатларни тақдим этиш учун сарф бўлган йўл харажатларини ўз зиммасига олиш;

5.6. Сертификатлаш ишлари бўйича хизмат сафарлари харажатларини ўз зиммасига олиш;

5.7. Сертификатлаштирилаётган маҳсулотлар савдосини мувофиқлик сертификати олинганидан сўнг амалга ошириш;

5.8. Буюртмачи, Бажарувчи томонидан сертификатлаштириш ишларини тугамасидан буюртмани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда Буюртмачи Бажарувчига ёзма равишда ариза бериши шарт. Аризанинг санаси Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги ҳисоб-китобга боғлиқ бўлади. Буюртмачи фақат бажарилган ишлар учун харажатларни қоплайди. Қолган маблағ буюртмачи хохишига кўра янги буюртмага ишлатилади ёки Буюртмачини ҳисоб рақамига қайтарилади.

### **6. Томонларнинг жавобгарлиги:**

6.1. Олдиндан тўланган суммадан ташқари маблағ учун ва қўшимча бажарилган ишлар учун қолган тўлов пули кечиктирилган ҳолатда, буюртманинг умумий баҳосидан ҳар бир кунига 0,5 %, лекин тўланмаган сумманинг 20% дан ошмайдиган миқдорда пеня ҳисобланади.

6.2. Бажариладиган ишларнинг муддатини ўтказиб юборилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5%, лекин ўтказиб юборилган ишларнинг қийматининг 10% ошмайдиган миқдорида пеня ҳисобланади.

6.3. Шартномада кузда тутилмаган бошқа ҳолларда, мажбуриятлари бажарилмаган ёки қониқарсиз бажарилган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

### **7.Форс-мажор.**

7.1. Фавқулотдаги вазиятда, томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолларда, мажбуриятлар тўлик еки қисман бажарилмаса томонлар жавобгарликдан озод этилади.

### **8. Келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби:**

8.1. Шартномага тегишли саволлар юзасидан келишмовчиликлар келиб чиқса, улар иккала томон ўртасида ўзаро ҳал этилади;

8.2. Маҳсулотларни сертификатлаш натижалари бўйича чиқарилган хулоса буюртмачини қаноатлантирмаса, у мазкур хулоса юзасидан «Dori vositalarini standartlash Ilmiy Markazi» раҳбари томонидан тайинладиган апелляция комиссиясига мурожаат қилади;

8.3. Шартнома шартлари бузилган ҳолатларда келиб чиққан келишмовчиликлар ўзаро ҳал этилмаган вазиятда, томонлар хўжалик судига мурожаат қилади.

### 9. Шартноманинг муддати:

- 9.1. Шартноманинг амал қилиш муддати \_\_\_\_ йил;  
9.2. Томонлар ёзма равишда қаршилик билдирмасалар ушбу шартнома кейинги муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.  
9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, Бажарувчи ва Буюртмачи томонидан имзоланиб, мухрлангандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

### Томонларнинг манзили ва банкдаги ҳисоб рақами

<u>Бажарувчи</u>	<u>Буюртмачи</u>
<p>“DORI VOSITALARINI STANDARTLASH ILMIY MARKAZI” МЧЖ Манзил: Тошкент ш., Ойбек куч., 45 Тел/fax.: 561591, 562390 Х/р 20208000604153619001 УзР ТИФ МБ Тошкент ш. ББ қошидаги АБ МФО 00451 ИНН 203791394 ОКОНХ 19800</p> <p>«DVSIM» директори</p> <p>_____ <b>Э. А. Назаров</b></p> <p><b>Юрист:</b> _____</p>	